


НАБИЖОН ҚОБИЛОВ



Фардлар

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти
1982



Фардлар ёзишга шoirлар қадим-қадимлардан буён уриниб келадилар. Фард бир байтлик (икки қатор) шеъринг усул бўлиб, шу бир байтда дунё-дунё маъно мужассам этилади. Бундай фардлар ёзиш учун шoir катта ҳаётинг тажриба ва чуқур билимга эга бўлиши керак.

Тожиқ ва форс классик адабиётинда фардлар ёзишга ката салоҳият кўрсатган шoir Рудакийдир. У дейди:

Ҳаёт сени ўз олдинга ўтказар,
Ундан яхши муаллим топмаслигинг муқаррар.

Еки:

Ҳар киши олмаса ҳаётдан таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

Андижонлик ғазалхон отахонимиз Набижон Қобилов бой ҳаётинг тажрибага, чуқур билимга эга. У киши филология фанлари номзоди, доцент.

Шoirнинг илк фардлари 1976 йил «Тухфа» китобинда кекса ғазалхон Холмас шеърлари билан бирга чоп этилган эди.

Қўлингиздаги тўпلام Н. Қобиловнинг сўнги йилларда ёзган янги фардларидан тузилди.



* * *

Пешонаг дафтару ажинлар чизиқ,
Умр китобим бу, ўқиб кўр, қизиқ.

* * *

Ниманики кузатсанг, истагил одоб,
Мисоли у ҳарорат, нур берар офтоб.

* * *

Ҳушёрлик бу ҳаётдан зўр хулоса-да,
Заҳар берар баъзилар олтин косада

Бировларни зор қақшатиб, ўзи бўлган шод,
Заҳаридан холи бўлган чаёндай, ҳайҳот!

* * *

Ташларкансан олдинга қадам,
Гоҳ орқангга назар сол бир дам.

* * *

Ўзгаларни қилса бахтиёр
Шу одамнинг чиндан бахти бор.

* * *

Ҳаётдаги энг зўр бахтсизлик,
Ўз-ўзини била олмаслик.

* * *

Ҳар нарсани кам дейишлик кўпларга одат,
Лек қилмайди ақлим кам деб ҳеч ким шиқоят.

* * *

Олдда борар аллома ҳар он,
Йўл бошлаган каби чароғбон.

* * *

Гар бўлмаса кимда ирода,
У мисоли дайди шабода.

* * *

Торларга тор, кенгга кенг дунё,
Кўнгли кенглар ўзи бир дунё.

* * *

Сўзинг чиқса тилинг учидан,
Саналасан одам пучидан.

* * *

Замин сари агар тўксанг тер,
Сендан қарздор бўлиб қолмас ер.

* * *

Ҳаёт чироғига меҳнат қуйса ёғ,
Фикр уни ёқиб юборар шу чоғ.

* * *

Бир лаҳзалик бўлса ҳам албат,
Жасоратдир ўша жасорат.

* * *

Нобоб ерда бўлганидай уруғ ҳам завол,
Нобоб жойда тополмайди одам ҳам камол.

* * *

Гина эрур адоватнинг онаси,
Қилма ахир кўнглинг унинг хонаси.

* * *

Одам қалбин ҳам овлар одам,
Одам қалбин ҳам товлар одам.

* * *

Ёмондан бўл ҳамиша нари,
Бўлай десанг ишда илгари.

* * *

Яксон қилмоқ осондир ҳар қандай дияни,
Лекин кўтариш мушкул қолган кўнгилни.

* * *

Гар кўзғолса меҳр тошқини,
Тенглашолмас дарё шошқини.

* * *

Ҳирсинг бўлса нафс зўрловчиси,
Ақлингни қил сен терговчиси.

* * *

Новдани эг ёшлик чоғида,
Сўнг қоврилма «аттанг» ёғида.

* * *

Ҳаётдаги асл фаришта,
Рўзғордаги аёл—саришта.

* * *

Бахт гарови дейдилар дўстлик,
Бахт згову-душманлик, қўрслик.

* * *

Камчиликсиз бўлмайди одам,
Дейдилар-ку: бири кам олам.

* * *

Эҳтиёт-ла сўзлагин ҳар дам,
Тилдан томар заҳар ҳам, бол ҳам.

* * *

Рашк ўтида куйгандан кўра,
Ҳавас билан яшна минг карра.

* * *

Қийин ишни мард истар дангал,
Осонини — дангаса танбал.

* * *

Нодон айбин тўнкайди ётга,
Доно бунӣ йўяр уятга.

* * *

Яхши ният мўл айлайди ошингни,
Ёмон ният еб кетади бошингни.

* * *

Йиқилмайин бўлмас паҳлавон,
Уринмайин эса қаҳрамон.

* * *

Топмай туриб ҳаётдан ўрин,
Хаёл қилма сен уйнинг тўринг.

* * *

Ҳаёт дарё каби бетиним,
Ғарқ бўлади ғофил бўлса ким.

* * *

Тўкис бўлиб туюлишга уринган инсон,
Кулги бўлиб қолишига ишонсин ҳар он.

* * *

Қоғоз: Безайман деб юзимга туширмасанг доғ,
Ўша чоғда, қалам, сен-ла бўларман ўртоқ.

* * *

Қалам: Қилсанг агар ўзингни, мени овора,
Яна кимлар овора бўлади, қара...

* * *

Доимо вақт боради йўлда,
Тизгини йўқ ҳеч қайси қўлда.

* * *

Эл буюрса бирорта хизмат,
Англагинки, бу—сенга ҳурмат.

* * *

Кўрк бўлолмас одамга мансаб,
Одам турар мансабни безаб.

* * *

Тафаккур зил қадам, жаҳл югурак,
Ақл етгунча шошмагин андак.

* * *

Кетишини билмайди одам,
Билмагандай келганини ҳам.

* * *

Кузатгунча доим бировни,
Ўзингга сол аввал жировни.

* * *

Лайлак қелишига қарар ҳар киши,
Кетиши билан йўқ ҳеч кимнинг иши.

* * *

Бир текисда бўлмайди бу олам бус бут,
Чақмоқ кулганда қара, йиғлайди булут.

* * *

Ғамнинг ўти ёнмайди ловуллаб, шитоб,
Аммо куйдирар аста буриқсаб, тутаб.

* * *

Голиб бўлса ақлингдан жаҳлинг,
Қайда қолди ваҳшийдан фарқинг.

* * *

Элга манзур бирор иш қилгин,
Ундан кейин ҳурмат пеш қилгин.

* * *

Кўрай десанг халқингдан ҳурмат,
Дастиёр бўл унга беминнат.

* * *

Гар гупирса алла ким бирдек,
Хаёлимга келади кўпик.

* * *

Одамга керакдир доимо одам,
Баъзилар ўйлайди иши тушган дам.

* * *

Кирай десанг эл орасига,
Азвал малҳам бўл ярасига.

* * *

Солмай туриб дарахтга арра,
Андиша қил, обдон, минг қарра...

* * *

Дўст кўзида кўрсам агар нам,
Сув босгандай кўринар олам.

* * *

Десаларки: нимадир китоб?
Дарҳол айтгум: қалбимга офтоб.

* * *

Жон куйдириб кимки йиғламас,
Жон яшнатиб кула ҳам олмас.

* * *

Ҳар доимо олға қараб юр,
Фарзин бўлган пиёдани кўр.

* * *

Бўлмагандай маймун дурадгор,
Бўлмаганга бўлишиш бекор.

* * *

Битта аҳмоқ қила олар шунча кори ҳол,
Юз дононинг тузатиши кўп амру маҳол.

* * *

Маржон тақсанг, эшакка деб зеб,
На маржону, на эшакка эп.

* * *

Бўлмаганга қилиб машмаша,
Бўлма томдан тушган тараша.

* * *

Уқ тегади бирор нишонга,
Тил бўлса-чи, ҳамма томонга.

* * *

Аслида парвона бир чивин қадар,
Нурга интилгани учун мўътабар.

* * *

Оёқ билан қоқилсанг узр,
Тилинг билан, қоқилсанг қусур.

* * *

Сандиқдаги тиллодан азал,
Сағноқдаги ҳарсангтош афзал.

* * *

Ҳиммат бошлаб келади ҳурмат,
Ҳурмат эса обрў ва қиммат.

* * *

Бировнинг кимлигин билишдан аввал,
Узингни таниб ол, дўстим, муқаммал.

Гар ортиқча эгилса қомат,
Тавоземас, бўлар хушомад.

* * *

Доно бўлиб тинглайвер ҳар он,
Сўзлагувчи бўлса ҳам нодон.

* * *

Ўзингга боп улфатни танла,
Учганидай турна-ла турна.

* * *

Йўлдош топгин аввало йўлга,
Қўшилгандай жилғага жилға.

* * *

Шармандали яшашдан бир зум,
Минг аълодир номусли ўлим.

* * *

Қилмоқ бўлсанг ўзни ҳимоя,
Узгаларга ташлама соя.

* * *

Ҳамоҳангдир олам ва одам,
Чунки одам ўзи бир олам,

* * *

Бошлиқ бўлиш жуда яхши иш,
Бироқ андак мушкул бошқариш.

* * *

Яхши топиб гапирар, ёмонлар қошиб;
Бири — одам, бирини ўзинг ол топиб.

* * *

Кун илитса ернинг сағрини,
Сўз илитар инсон қалбини.

* * *

Дунёда ким бўлса ҳаёсиз,
У мисоли пати йўқ товус.

* * *

Гарчи доно, ҳулқи нодондир,
Унинг нархи жуда арзондир.

* * *

Кимки қўшса оламга жамол,
Уша киши топади камол.

* * *

Иши тушса марднинг номардга,
Йўлиққандай бўлади дердга.

* * *

Келган экан оламга одам,
Из қолдирсин ақал бир қадам.

* * *

Доно чоллар бўлмаган жойда,
Оқил ёшни исташ бефойда.

* * *

Ҳамроҳ бўлса ҳадикли кўрқоқ,
Манзил бўлар хатарли, узоқ.

* * *

Гар саботдан кўркам салобат,
Аввалгисин қилавер одат.

* * *

Саёз дарё солади шовқин,
Чуқури-чи, оқади сокин.

* * *

Нуқсонингдан кўз юмган дўстдан,
Кўз юмишинг яхшидир ростдан.

* * *

Бўлгани-чун кекчи нор туя,
Сарбон яқин юрмайди сира.

* * *

Упкалама дўстингдан андак,
Биласан-ку, дўст-дўстга ойнак.

* * *

Зулмат билдиргандай зиё қадрини,
Беҳаё билдирар ҳаё қадрини.

* * *

Олам сири бўлса бир қоя,
Сен илмдан қил пиллапоя.

* * *

Эргашганинг гар бўлса етук,
Ниятинга пўлатдай кўприк.

* * *

Аёлларнинг иффати, нози—
Гўзалликка қилган пардози.

* * *

Эта бўлсанг бил, шердек кучга,
Бетадбирлик чиқарар пучга.

* * *

Тупроқ аро кириб чигит -дур,
Бир кун олтин бўлиб кўринур.

* * *

Кимки юрса иғво йўлида,
Ғарқ бўлади ҳасад кўлида.

* * *

Инсон ширинлиги сўзида,
Ва ҳаёси икки кўзида.

* * *

Кимки берса жуфт ҳаётга кўл,
Бермоқ лозим бир-бирига йўл.

* * *

Дўстга интил сенда бўлса ҳуш,
Бир қанот-ла учолмайди қуш.

* * *

Қилмагуси дўст-дўстга миннат,
Чунки миннат туғдирар иллат.

* * *

Дўст кўнглига йўл тополмас кек,
Важҳи унга дўстнинг қалби берк.

* * *

Дерлар ҳар ким дунёда меҳмон,
Яхши меҳмон ~~иззатда~~ ҳар он.

~~ХИЖАЯ ЦЕНТА~~

* * *

Улуғланар заминни ҳар дам,
Оғирликка берган-чун чидам.

* * *

Одам безантирса агар оламини,
Устоз тайёрлайди ўша одамини.

* * *

Олам ширинлиги бўлса жамулжам,
Тилнинг лаззатидан бўлур албат кам.

* * *

Сезмагин сен тожга эҳтиёж,
Ақлингни бил бошинг узра тож.

* * *

Ўзгалардан тавозе кутма,
Ўз саломинг аммо унутма.

* * *

Ажралиб ирмоқдай қуригандан кўра,
Қўшилиб дарёлар каби гуркира.

* * *

Айтмоқ учун бир калима сўз,
Ғаввос бўлу сўз баҳрида суз:

* * *

Зийнатларнинг онаси—меҳнат,
Текин зебдан туғилар миннат.

* * *

Секин юрган борар узоққа,
Ҳовлиққанлар эса тузоққа.

* * *

Одмий одам чинордай улуғ,
Такабурлар ёғочдай қуруқ.

* * *

Толпинмагин ҳеч қайси зотга,
Сажда қилгин инсониятга.

* * *

Тортишга осон деб ўзга оёғин,
Қашқа қилар баъзи ўзин ёноғин.

* * *

Эслик одам сўз бошламас «мен» билан,
Ўзгаларни атамайди «сен» билан.

* * *

Мактаб эрур ҳаёт эшиги,
Қамолатнинг олтин бешиги.

* * *

Улуғликка тўшалмас йўлинг,
Гар тутмаса улуғлар кўлинг.

* * *

Одамлардан одамни ажрат,
Сўнг ўшандан ола бил ибрат.

* * *

Мунофиққа бўлсанг мувофиқ,
Сенинг номинг бўлур бетовфиқ.

* * *

Ўзи бир кун ота бўлиб қолганда фақат,
Бола билар отасининг қадрини шул вақт,

* * *

Ажабланма оқ соч бўлса кичик ёшида,
Қорлар бўлар фақат баланд тоғлар бошида.

* * *

Дейдиларки, давлат қўл кири,
Кир йиғарнинг нархи—ҳемири.

* * *

Кимки бўлса таъмахўр,
Унинг оти-таънахўр.

* * *

Ота-она деҳқон бўлса, фарзанди уруғ,
Агар уруғ пуч бўлса, ҳосили қуруқ.

* * *

Билсанг отанг муддаосини,
Олгин доим эл дуосини.

* * *

Бўлган-чун унинг меҳри бепоён,
«Ота» сўзи «Ленин» билан ёнма-ён.

* * *

Бир-бирига ғоят яқин Ленин-инқилоб,
Инқилобни гар ой десак, Лениндир офтоб.

* * *

Масофани сақламай юриш,
Кўриб туриб тошга бош уриш,

* * *

Ижод эрур севинчларга бош,
Севинч севсанг бўл унга йўлдош.

* * *

Маркс бобо депти: қураш-бахт,
Қурашмаган демакки, бадбахт.

* * *

Эгриларнинг ичида тўғрига жой йўқ,
Шунинг учун камондан узоқлашар ўқ.

* * *

Тоза қалбда доғ бўлмас,
Доғдор қалблар соғ бўлмас.

* * *

Кимки очса кўриқ рахтини,
Кўриқ очар унинг бахтини.

* * *

Фойда кўзлаб, фойда етказиш—
Одамийлик бурдин кетказиш.

* * *

Уруғ сочсанг ер бағрига ҳосил—ошингга,
Тошни отсанг гар осмонга, тушар бошинга.

* * *

Севги бошқа, бошқадир ҳавас,
Бири боқий, бири бир нафас.

* * *

Томчи-томчи тўпланар обрў,
Бироқ бирдан тўкилади у.

* * *

Бирор ишни эзгулик деб бошлаган одам,
Терс оқибат чиқишини ўйламас ҳеч ҳам.

* * *

Тикон бўлиб санчилишга интилган одам,
Игна билан чиқишини ўйласин бир дам.

* * *

Кўз юракнинг кўзгуси ҳар он,
Яширсанг ҳам қалбинг намойн.

* * *

Тегса баъзи қўл учига мансабнинг учи,
Танасидан чиқа бошлар камтарлик кучи.

* * *

Баҳо бермоқ биров сўзи билан бировга,
Назар солмоқ биров кўзи билан бировга.

* * *

Баҳо берма ўзинга кўп паст,
Қилувчи бор сенга-да ҳавас.

* * *

Ҳазаб билан бошланган ҳар иш,
Афсус билан топар кушойиш.

* * *

Кўпни билган гапиради каму соз,
Чуқур чашма қайновидай тиник, оз.

* * *

Кетаётиб мақтанма, аммо,
Қайтишингда мақтасин ҳамма.

* * *

Кичик-катта ёв йўқ, қаранг-а,
Бир учқундай бўлар аланга.

* * *

Жуда осон пуч, гўр демаклик,
Бироқ қийин шуни билмоқлик.

* * *

Қўлинг кўкда бўлса ҳам ерда оёғинг,
Ёдда туткил, пастдадир таянган тоғинг.

* * *

Ишчанликнинг қамчиси—ғайрат,
Тулпоридир сифат ва суръат.

* * *

Бергунингча ўзингга ҳашам,
Ҳунарингни қилгин муҳташам.

* * *

Севги эрур ҳаётнинг шавқи,
Усиз бўлмас яшашнинг завқи.

* * *

Қалбинг билан яса ижод бастини,
Ақлинг билан тузат каму кўстини.

* * *

Ҳақиқатни бўриб бўлмас ҳар ким истар йўлига,
Чунки унинг тизгинидир адолатнинг қўлида.

* * *

Саҳоватли бўлгани-чун булут осмонда юрар,
Совирувчи шамол эса доим ерга бош урар.

* * *

Камтарлик гунча-ю, донолик бир гул,
Камтар бўлмагунча доно бўлмас, бил.

* * *

Қилаверсанг тилингни узун,
У бошингга етади бир кун.

* * *

Гар кўнгилни десалар шиша,
Ғилоф эрур унга андиша.

* * *

Ерга қараганлар ер чизиб қолмас,
Осмонга боққанлар узоққа бормас.

* * *

Гар гадога юз салом бер. Умас кутгани,
Унга бир бор хайр қилсанг, иши битгани.

* * *

Уй бекаси мудираю, рўзғордир—омбор,
Қайишмаса у бурчига, бу омбор—бир ғор.

* * *

Яхшини ёмондан ажратар номус,
Ёмонда бўлмайди на кўзу на юз.

* * *

Қай асарга ҳис қўшилмаган—
Гўё таом туз қўшилмаган,

* * *

Дўст-дўст эмас дўст саноғида,
Дўст-дўст эрур дўст-саноғида.

* * *

Машина тез, сен қилсанг тезлик,
Икки тезлик—бир кўнгилсизлик.

* * *

Одам бор ўткинчи, одам бор боқий,
Суюн, бўла олсанг боқийга соқи.

* * *

Талант—меҳнат, тажриба—устоз,
Бирлигида бўла олар соз.

* * *

Шогирдидан агар бўлса элнинг хуш вақти,
Мана шудир устозининг чинакам бахти.

* * *

Чиқишингдан аввал ўйла тушишни,
Гар бўлмаса қўя қол бундайин ишни.

* * *

Ишсизликка ўрганган киши,
Лақмаликни ҳисоблар иши.

* * *

Қўшилмаслик-чун ноинсофга,
Гоҳ ўзинг тут ўзинг ҳисобга.

* * *

Бўлай десанг доимо хушвақт,
Беғараз бўл оламда ҳар вақт.

* * *

Амал қилсанг доно нақлга,
Бўйсундиргин танни ақлга.

* * *

Ким бир ғамгин дилини гар айласа чоғ,
Гўё олам сахнига ёқади чироғ.

* * *

Тош синдирса зар косани синмас қиммати,
Тошнинг эса ҳар ҳолатда тошдир-да оти.

* * *

Ота-онасин тингламаган,
Ўз-ўзини ҳеч сийламаган.

* * *

Ҳаётда бемаслак, бефойда юриш—
Ўзининг умрини ўзи совириш.

* * *

Бўлай десанг тойилишдан доим эҳтиёт,
Оёғингни имконидан узатма зиёд.

* * *

Агар десанг ўзга нафин ўз нафим,
Сенинг дўстинг кўплигига мен кафил.

* * *

Зийнатларга берилса баҳо,
Шоҳсупанинг эгаси ҳаё.

* * *

Бамисоли бу дунё катта бир кўзгунг,
Қандай боқсанг, ўшандай кўрасан ўзинг.

* * *

Уша кўркам чинор савлати,
Нозик илдиэларнинг қудрати.

* * *

Тил тегизмоқ агар билсанг, инсон шаънига,
Тиғ теккандан баттарроқдир унинг танига.

* * *

Баъзи ўзин ҳисоблайди барчадан доно,
Билмайдикки, нодон қўяр ўзига бино.

* * *

Чин дўст бўлар қалбан тўғри сўз,
Ясамаси лақма, икки юз.

* * *

Бўлолмасанг халқингга тиргак,
Бўл лоақал унга бир илгак.

* * *

Узоқларни кўкдан кўзлаш бургутларга хос,
Узоқларни ўйлаб сўзлаш одамларга мос.

* * *

«Мен кимман!»—деб гердайган одам,
Пуч бошоқни эслатар ҳар дам.

* * *

Ташвишлардан холи эмас ҳар бир жоқ,
Боқ, шошилган чумолига сен бир он.

* * *

Дўст сўзига бўлмагин хафа,
Бўлади-ку талх дори шифо.

* * *

Ватанга муҳаббат дўстликнинг боши,
Инсонга муҳаббат унинг йўлдоши.

* * *

Асар бўлса ихчам ва аниқ,
Нур сочади абадий ёниқ.

* * *

Ухшамагин ёрдамчи сўзга,
Ундан маъно чиқмайди ўзга.

* * *

Донолик бу серҳосил, кенг боғ,
Нодонлик чўл, меваси-янтоқ.

* * *

Қонунлар-ла улугдир инсон,
Чунки уни яратур виждон.

* * *

Тўлдирайин десанг олам камини,
Кўтаравер дўстлар гамини.

* * *

Бўлмасайди улуг муҳаббат,
Усиз инсон бўлмасди албат.

* * *

Майли, олим ёки шоир бўлолмайин қол,
Бироқ одам бўлолмасанг бу жуда увол.

* * *

Яхшиликдир қалб ҳарорати,
Шул-чун совуқ ёмоннинг оти.

* * *

Якши китоб бўла олур бир умрлик дўст,
Баъзи бачкана дўстлардан мана шу дуруст.

* * *

Қадрласанг вақтни қанча,
Қадрлайди сени ўшанча.

* * *

Уйланмасдан сўзланган нутқ,
Узи сари отилган бир ўқ.

* * *

Кичик ишга ким берса гар баҳо улғ,
Улуғ ишлар олдида бўлар қуя-қуруқ.

* * *

Ақли етган ишларга оқил уринур,
Бўлмаганга чираниб нодон суринур.

* * *

Баъзи зимдан оёқ чўзар йўлингни тўсиб,
Кўришганда омад тилар кўлингни қисиб.

* * *

Ёлғиз есанг ошингни тугайди шу дәм,
Адо бўлмас биров билан гар кўрсанг баҳам.

* * *

Тўғри сўзни сўзлашга жасорат даркор,
Тўғри ишни қилишга матонат даркор.

* * *

Агар десанг шеъриятни бир чироқ,
Сезги ўтдир, фикр эса унда ёғ.

* * *

Кам билганга бўлиш-чун иқрор,
Кўпроқ ўқиш бўлади даркор.

* * *

Уйламасдан сўз чиқарма асти комингдан,
Узоқдаги тоғ паст эмас сенинг томингдан.

* * *

Нуқсонингга одамлар бир оний гувоҳ,
Виждонингчи, шоҳидир бир умрга, воҳ...

* * *

Баъзиларни кечирсак-да тинглаб сўзини,
Мардлар эса кечиролмас ўзи-ўзини.

* * *

Фикрлашдир тафаккурнинг онаси,
Ёдлаш билан қурур унинг шонаси.

* * *

Гар ҳаётдан олмасанг таъсир,
Ҳаёт сенга беради тазир.

* * *

Агар кимга бўлмаса ҳеч киши маъқул,
Унинг ўзи барчага эрур номаъқул.

* * *

Бекор кепсан ушбу жаҳонга,
Асқотмасанг бирорта жонга.

* * *

Бизга таълим берганларнинг бари ҳам устоз.
Аммо улар орасида Ёъзиси мумтоз.

* * *

Сен манфаат уруғин эк кўпларга лойиқ,
Ҳосилини эса кўрсин барча халойиқ.

* * *

Ҳаётда адашмай топсанг йўлингни,
Устозлар ушлашиб турар қўлингни.

* * *

Бурчни сезиш кўп яхши одат,
Бажармаслик эса ҳақорат.

* * *

Одамдан одамини ажратмоқ учун,
Одамлик дарсига сарф айла кучинг.

* * *

Халқ беради шоир номин айласа эъзоз,
Узин шоир эълон қилар ғирт қофиябоз.

* * *

Бу оламда билиб бўлмас нарсалар бўлмас,
Сен билишга фақат журъат қила олсанг бас.

* * *

Тарих билмас беҳатони кузатганларни,
Доно дерлар хатосини тузатганларни.

* * *

Энг яхши иштаҳа, энг яхши роҳат,
Жисмоний ишдан сўнг бўлади ҳарвақт.

* * *

Чиритгандай темирларни занг,
Асабларни ҳасад қилар танг.

* * *

Мутолаа қилмагандан сал чеккалаб юр,
Унга тегса чунки ўтмас бўлар тафаккур.

* * *

Эринчоққа эснаш ҳам қийин,
Роҳат кутар ундан ҳам кейин.

* * *

Тўғри низом ушбу оламда
Тўғрилиқдир ҳар бир одамда.

* * *

Бўлолмасанг гарчи халаскор,
Халаскорга бўлгин хизматкор.

* * *

Битта аҳмоқ алломани қилса ҳақорат,
Депти: «Яна нуқсонларим қолди-ку қат-қат».

* * *

Дақиқани ютаман деб ўзингча баъзан,
Ҳаётигини бой беришдан ишқилиб сақлан.

* * *

Ўз ақлингга ўзинг бўлма қул,
Ахир сендан ақлликлар мўл.

* * *

Сахийлар шоҳ бўлса оламга,
Бахллар қул бир бурда нонга.

* * *

Хом сут эмган банда дерлар адашар,
Тан олганга, адашиш ҳам ярашар.

* * *

Хасталикни оширар куйиниш, койиш,
Соғайишга умид боғлаш—ярим соғайиш.

* * *

Сахтинг келишмаса ҳам бахтинг келишсин,
Демак, ҳулқу меҳнату аҳдинг келишсин.

* * *

Эгизакдир ақл ва одоб,
Бир-бирисиз эмасдир ноёб.

* * *

Чўпон айтар: «Менинг касбим жуда ҳам роҳат,
Ҳайвонларнинг орасида бўлмайти ғийбат».

* * *

Соянинг ҳам ҳаётда бордир ҳар хили,
Бири химоя қилса, қуритар бири.

* * *

Биров ишин агар олсанг қўлидан,
Жой оласан унинг қалбин тўридан.

* * *

Емиш борки, йўқдир ёмони,
Овқат танлар—асил бемаъни.

* * *

Азобини тортар ҳар ким мижозин бузгач,
Чунки ҳамма ҳам ўзига биринчи врач.

* * *

Баъзи ўзин ботир санаб тортар айюҳаннос,
Аслида-чи, бўқиришлик ҳайвонларга хос.

* * *

Эзгуликнинг кечи йўқ,
Адашишнинг ҳечи йўқ.

* * *

Шул нарсани айтадилар бойлик бебаҳо,
Ул туфайли бойиса маънавий дунё.

* * *

Одамдаги гўзаллик—соғлиқ,
Шу боисдан у туман бойлик.

* * *

Адашганлар топади йўлин,
Йўлга кирмас қолар беўрин.

* * *

Ким сўзидан руҳланинг, ўсдинг,
Ўша сенинг жонажон дўстинг.

* * *

Кўр бўлмоқлик нуқс эмас, аммо кўрнамак—
Кимки бўлса, жоиздир ҳар нарса демак.

* * *

Кулфат бўлса иш ёқмасга ҳар меҳнат,
Ишчан учун ўша ҳавас ва шуҳрат.

* * *

Ахтаргунча минг иш турини,
Билиб олгин бирин йўлини.

* * *

Жаҳлни кечиктирсанг ўзарсан,
Ишни кечиктирсанг тўзарсан.

* * *

Рухинг ҳордик олсин-чун бир дам,
Кўп ғам ема, ҳам бўлма беғам.

* * *


Ҳар бир кўзинг ўзи зўр дарё,
Унда бўлса гар меҳригиё.

* * *

Нодонларни мақтасангиз берар зеб,
Доноларни мақтасангиз билмас эп.

* * *

Дўстларимни кўрганда шодон,
Ғамларимни унутгим шу он.



Қ 52

Қобилов Набижон.

Қалб амри. Фардлар.—Т. «Ёш гвардия», 1982.—40 б.

Қабулов Набижан. Зов сердца. (Фарды — двустия).

Уз2

На узбекском языке

НАБИЖАН ҚАБУЛОВ

ЗОВ СЕРДЦА

(Фарды—двустия)

Издательство «Ёш гвардия», — Ташкент — 1982

Редактор Шамси Одил

Рассом Ҳ. Раҳматуллаев

Расмлар редактори А. Гуломов

Техн. редактор Г. Аҳмадҷонова

Корректор С. Сайдолимов

ИБ № 1096

Босмаҳонага берилди 6. 07. 1982 й. Босишга руҳсат этилди 5. 08. 1982 й. Р-15023. Формати 70×108¹/₃₂. 1-босма қоғозга «Журнальная рубленая» гарнитурда юкори босма усулида босилди. Босма листи 1,25. Шартли босма листи 1,75. Нашр листи. 0,83. Тиражи 10 000. Буюртма № 152. Баҳоси 10 т. Шартнома № 87-81.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Қомитети

«Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий

кўчаси, 30.

Ўзбекистон нашриётлар, полиграфия ва китоб

савдоси ишлари бўйича Давлат Қомитети Тошкент

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-босмаҳона, Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.

70403—115
К 356 (04)—82 — 116—82 4803000000